

ВИРЖИНИЯ ВУЛФ ҚАҲРАМОНЛАРИДА "ОНГ ОКИМИ"НИНГ ТАСВИРИ

Умида Файзуллаева

Жиззах давлат педагогика институти ўқитувчиси, PhD

umidafayzullaeva@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада адиба, индивидуал мавжудликнинг иррационал қатламларини очиб бераркан, гўё "ярим йўлда ушлаб олинган" фикрларнинг оқимини тасвирлайди. Муаллиф нутқининг худди баённомага ўхшаш мухтасарлиги ва эҳтироссизлиги – ўқувчини ҳис-туйғу, фикр-мулоҳаза, мушоҳада ва кузатувларнинг шаклсиз дунёси тубигача шўнғиб кетиш таассуротини туғдирувчи роман негизига айланади. Виржиния Вулф қаҳрамонларининг фикр юритиш жараёнини, уларнинг ўткинчи, ҳис-туйғу ва ўй-хаёлларини француз адиби Марсель Пруст услубига хос бўлган "онг оқими" чуқурлаштирди ва кенгайтди.

Калит сўзлар: "онг оқими", ҳис-туйғу, қаҳрамон, "Дэллоуэй Хоним", фабула, Кларисса Дэллоуэй, Септимус Уоррен-Смит

ABSTRACT

In this article, the writer describes a stream of thoughts "caught in the middle", while revealing the irrational layers of individual existence. The brevity and dispassion of the author's speech, similar to a statement, becomes the basis of the novel, which creates the impression that the reader feels, thinks, observes and plunges into the depths of the formless world of observations. The process of thinking of Virginia Woolf's characters, their passage, feelings and imagination deepened and led to a "stream of consciousness" characteristic of the style of the French writer Marcel Proust.

Keywords: "stream of consciousness", feeling, hero, "Mrs. Dalloway", plot, Clarissa Dalloway, Septimus Warren-Smith

КИРИШ

Виржиния Вулф қаҳрамонларининг фикр юритиш жараёнини, уларнинг ўткинчи, ҳис-туйғу ва ўй-хаёлларини француз адиби Марсель Пруст услубига

хос бўлган "онг окими" чуқурлаштирди ва кенгайтди. Дарҳақиқат, "Дэллоуэй Хоним" романи – бу бош қаҳрамонлар Кларисса Дэллоуэй ва Септимус Уоррен-Смитларнинг "онг окими", уларнинг Биг Бен соати бонг уриши билан муайян парчаларга бўлинган ҳис-туйғу ва хотираларидир. Таъбир жоиз бўлса, бу роман – қалб овози, инсоннинг ўз ўзи билан суҳбати, фикр ва туйғуларнинг оқимидир. Биг Бен соатининг катта-ю кичик кўнғироқлари бонг уришини ҳамма, ҳар ким ўз жойидан эшитади. Романда Англия парламенти биноти, ҳокимият мустақамлиги, мангу давлат тимсоли сифатида гавдаланишида машҳур Биг Бен соати муҳим рол ўйнайди; Биг Бен катта кўнғироғининг бонг уриши романда кенг майдон бўйлаб ёйилаётган воқеалар алмашинувини роппа-роса ўн етти соатга ажратади. Бу вақт давомида Кларисса хотирасида ўтмишда бўлиб ўтган қувончли ёки ғамгин туйғуларга тўла манзаралар юзага қалқиб чиқади. Улар унинг онгида оқиб ўтади, уларнинг шакл-у шамойили суҳбатларда, йўл-йўлакай айтиб ўтилган сўзларда ўз аксини топади. Хийла катта ва майда тафсилот, керакли ва кераксиз исмлар кўзга чалиниб онгимизда лип-лип ўтади, улар ўқувчида аниқ-равшан тасаввурни ҳосил қилмайди. Вақтга оид қатламлар бир-бири билан кесишиб, бир-бири устига ёпирилиб келади, бир-бири билан тўқнашади, кўз очиб юмгунча ўтмиш бугунги кун билан туташиб кетади.

– "Кўлни эслайсанми?", – деб сўради Кларисса ёшлик чоғларида яқин дўсти бўлган Питер Уолшдан, – ва шу заҳотиёқ унинг овози ўчиб қолди; "кўл" деганиданок унинг юраги беҳосдан дукиллаб, томоғи бўғилиб, лаблари тиришганлиги сабаб вужудини ғалати туйғу қамраб олди. Чунки дарҳол – кичкина қизалоқ, ота-онаси ёнида туриб, кўлда сузиб юрган ўрдакларга нон ушоқларини ташлаганини эслади; ёши бир жойга бориб қолган аёл ота-онасининг олдида бораётганини кўз олдида келтирди; кўлида ўз ҳаётини кўтариб бораётганини кўрди; уларга қанчалик яқинлашган бўлса, шунчалик кўлидаги ҳаёти кўпчиб, катталашиб борарди; аста-секин бу бутун ҳаёти йўлига айланди ва у ўз ҳаётини ота-онаси пойига қўйиб: "Мана ундан нима қилдим, мана!", деб хитоб қилди. Нима қилган экан? Ҳақиқатда, нима қилди? Масалан, шу бугун, Питер ёнида ўтириб тикиш билан овора бўлди, холос".

Қаҳрамонларнинг аниқ илғаб олинган, батафсил тасвирланган кечинмалари зоҳиран арзимаган бўлиб туюлса-да, руҳиятнинг айна пайтдаги ҳолатини муфассал изоҳи (Вулф таъбирича, мавжудлик они = moments of being) аста-секин нақшинкор кошинга айланади. Бу сержило кошин ўқувчи нигоҳидан сал бўлмаса четда қолаётган ўзгарувчан тасаввур, фикр парчалари, тасодифий

ассоциация, бир лаҳзали таассуротлардан "йиғилади", десак тўғри бўлар. Вулф учун кўз илғамас, яъни ҳис-туйғулардан бўлак ҳеч нима билан ифодалаб бўлмас нарса кадрлидир. Адиба, индивидуал мавжудликнинг иррационал қатламларини очиб бераркан, гўё "ярим йўлда ушлаб олинган" фикрларнинг оқимини тасвирлайди. Муаллиф нутқининг худди баённомага ўхшаш мухтасарлиги ва эҳтироссизлиги – ўқувчини ҳис-туйғу, фикр-мулоҳаза, мушоҳада ва кузатувларнинг шаклсиз дунёси тубигача шўнғиб кетиш таассуротини туғдирувчи роман негизига айланади.

Рус адабиётшуноси Е.Ю.Гениева фикрича, "ташқаридан қараганда, сюжет ва фабула асосида ҳикоя қилишнинг йўли сақланиб қолгандек, ҳақиқатда эса романга айнан воқеаларнинг анъанавий алмашинуви етишмайди. Тўғриси, бу ерда классик роман поэтикаси тушунчасидаги воқеаларнинг ўзи йўқ".

Ҳикоя қилиш икки сатҳда олиб борилади. Биринчиси воқеа-ҳодисаларни аниқ ифодаламас-да, зоҳирий, моддий ҳисобланади. Яъни, гуллар сотиб олинади, кўйлакнинг йиртиқ жойи чатилади, серсоя боғдаги хиёбонлар бўйлаб сайр қилинади, беморлар қабул қилинади, сиёсий масалалар муҳокама мазмунига айланади. Меҳмонлар йўлига мунтазир, жонсарак кўз тикилади, пировардида деразадан ташлаб ўз жонига қасд қилинади. Бу ерда серфайз ранглар, хушбўй хидлар, серзавқ ҳис-туйғулар уйғунлигида Лондон гавдаланади, у кўз ўнгимизда куннинг турли пайтида, турли ёруғликда ажабланарли тарзда топографик аниқликда қад кўтаради. Бу ерда уй тонгги сукунатда "мудраб ётади", кечқурунги ғала-ғовурга, шовқин-суронга "куч тўплайди". Бу ерда Биг Бен соати тўхтовсиз вақтни ўлчаркан, совуққонлик билан шафқатсизларча бонг уриб туради.

Дарҳақиқат, ўқувчи 1923 йил июнь ойининг узун бир кунини қаҳрамонлар билан бирга яшаб ўтади, аммо реал бир вақтда эмас. Қаҳрамонлар хатти-ҳаракатининг шоҳидига айланиб қолмасдан, ўқувчи, авваламбор, уларнинг қалби, хотираси, руҳияти, тушлари каби "муқаддас қадамжо"га кирган "айғоқчи"га айланади. Романда аксари жимжитлик ҳукмронлик суради; ҳақиқий суҳбат, монолог ва диалог, баҳс-мунозаралар сукунат пардаси ортида – хотирада, ҳаёлда олиб борилади. Беқарор хотира терс, инжиқлик билан тутқич бермайди, мантик қонунларига бўйсунмайди, кўпинча тартиб-қоида, хронологияга қарши "исён кўтаради". Гарчи Биг Бен соати милларининг циферблат бўйлаб ҳаракатланиши, мунтазам бонг уриб туриши Вақт ўтишини бизга доим эслатиб турса-да, ушбу романда илми нужум вақти эмас, балки

ички, ассоциатив вақт устун туради. Айнаникинчи даражали, сюжетга бевосита боғлиқ бўлмаган воқеалар онда кечиб ўтувчи ички хатти-ҳаракатлар учун серҳосил замин бўлиб хизмат қилади. Реал ҳаётда эса вақт бир воқеани бошқа воқеадан атиги бир неча дақиқа ажратиб туради. Мана Кларисса, шляпасини бошидан олиб диван устига қўяркан, уйдаги аллақандай бир товушга кулоқ туттади. Ва баногоҳ, шу ондаёқ, арзимаган нарса: ё хид, ё товуш сабабми – хотирасини маҳкам, беркитиб турган тўғонлар очилиб кетади, икки – ташқи ва ички реаллик бир-бирига тутташиб, бир-бирига сингиб кетади. Мана унинг бахтли болалик чоғлари кўзга кўринди, ёдга тушди – бироқ болалик онда чакмоқдай тез эмас, ёқимли, ҳузур бахш образдек эмас, у шу ерда, Лондон ўртасида, ёш ҳам бўлмаган, ҳали қариб ҳам улгурмаган аёл хонасида жонланади, товланиб турган рангларга бурканади, кўнгилни хушнуд этувчи товушларга тўлади, шод-у хандон садоларда жаранглай бошлайди. Реалликнинг хотира билан, сонияларнинг йиллар билан бундай бирикиб кетиши, бир бутун яхлит ҳолда намоён бўлиши романда ўзгача кескинлик, қизғинликни яратади, аниқроқ қилиб айтганда, кучли руҳий зарба келиб тегади-ю, унинг чакмоқдай чакнашида қаҳрамон феъл-атвори аниқ-равшан кўринади.

ХУЛОСА

Юқорида таъкидланганидек, ушбу романда бош қаҳрамонлар Лондондаги ҳашаматли уйларнинг бирида яшовчи зодагон аёл, айти пайтда ҳиссиётларга берилувчан, хаёлпараст Кларисса Дэллоуэй ва камтарин хизматчи, биринчи жаҳон урушида контузия бўлган Септимус Уоррен-Смит ҳаётидаги 1923 йил июнь ойининг атиги бир куни тасвирланади.

Дарҳақиқат, реал вақтни максимал даражада тиғизлаштириш – то оний таассуротгача қискартириш, бир кунгача чегаралаш – модернистик роман учун хосдир. Бу усул реалистик романдаги вақт категорияси билан анъанавий тарзда фойдаланиш усулидан кескин фарқ қилади. Боиси, реализм йўналишида XX аср бошида машҳур инглиз адиби Жон Голсуорси (John Galsworthy, 1867-1933) қаламига мансуб "Форсайтлар ҳақида сага" (The Forsyte Saga, 1906-1927) эпопеясига ўхшаган кўп жилдли "оилавий хроника" жанридаги романлар етакчилик қила бошлади. Реализм тамойилларига асослаган анъанавий ҳикоя услубида инсон вақт оқимида тобе қиёфада намоён бўлади; модернизм тамойилларига асосланган ҳикоя қилиш услубида эса, аксинча, инсон руҳий кечинмаларини қисқа вақт оқимида тасвирлаш устунлик қилади, десак тўғри

бўлади. Нуктаи назар алмашинуви, кескин ўзгариши, мунтазам янгилашиб туриши – модернистик романда кўп қўлланиладиган услубдир. Онг оқими, битта инсон ҳаёти билан таққослаганда, анча кенг қирғоқлар бўйлаб оқади, у кўп инсонларни ўзи билан окизиб кетади, индивидуал бетакроп таассуротдан дунёнинг анча объектив манзарасигача йўл очиб беради, кенг сахнада ижро этилаётган воқеалар ривожини бир нечта камералардан олиб бориладиган яхлит картинани суратга олади. Шу билан бирга муаллиф тасвирни суратга олувчи режиссёр каби сахна ортида қолишни афзал кўради.

REFERENCES

1. U. Fayzullaeva. On the history of the study of Virginia Woolf's work in English and American literature
2. U.Fayzullaeva, (2020). Virginia Woolf and time category. Журнал иностранных языков и лингвистики, 1(2), 6-10.
3. Fayzullaeva, U. (2020). The inner world of a woman. Journal of Critical Reviews, 7(2), 49-50.
4. Fayzullaeva, U. (2019). The inner world of a woman “Mrs. Dalloway”, by Virginia Woolf. Journal of Critical Reviews, 7(2), 2020.